

Ислохот мевалари

ХАР БИР ҚАЛБ яратиш ишқи билан ёнади

Зангор япроқларини тўққан дов-даракларнинг новдалари шамолда охиста тебранади. Киш уйқусига кираётган далаларда меҳнат мароми бир зум ҳам пасайгани йўқ. Давлатга дон, пахта сотиш шартнома режаларини ошириб бажарган Шуманай тумани деҳқонлари бўлгуси хосилга пухта замин яратмоқдалар. Яйлов кезиб эл-юрт чорвасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган чўпон-чўлиқлар қишлоқ таррадалида. Хар бир қалб яратиш ишқи билан ёнади.

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1 та янги мактаб қуриш, 11 тасини реконструкциялаш, 9 тасини капитал, 11 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган. 16-урта мактаб жамоаси Осие Тараққиёт Банки кўрик-танловда голибликни эгаллади. Илм масканини таъмирлаш учун 5 минг 675 АҚШ доллари ажратилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг туртинчи қурултойи қарорларида инсон манфаати, ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси ва соғлигини мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш жараёнида аҳолини иш билан таъминлаш, қарйлар, болалар, хотин-қизлар ва ногиронларни ижтимоий хиймажлаш алоҳида эътибор қаратилган.

Қасаба уюшмалари мақсадида маҳаллага 20 гектар экин майдони ажратиб берилди. Кўп болали 300 оилга нафақа пулларининг тарқатилиши катъий назоратга олинган. Тўй ва мароқлар орқига чикимларсиз, тежамкорлик билан ўтказилмоқда.

Аҳолисининг 75 фоизи овулларда яшайдиган туманда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилган. Шомурод Сейтмуратов раҳбарлик қилаётган «Жеймурат уста» фермер хўжалиги 57 гектар пахта, 10 гектар галладан мўл ҳосил етиштирди. Хар бир кишига 200 килограммдан дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари берилди. Терим пулининг узидан хар бир оила 700-800 минг сўмдан даромад қилди.

Қасаба қурувчилик бўлган Муса Ибрагимов бундан уч йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил этиб, 45 гектар майдонда гўза ўстирган эди. Фидокорона меҳнати эвазига пахта тайёрлаш режаси ошиги билан урдаланди, даромад ва соф фойда икки бараварга кўпайди. Кичик жамоага уюшган 12 нафар оиланинг дастурхони тўқин, рўзғори баракали. Ж.Есубошинов, А.Отаниёзов, Б.Тоиров, О.Жумамуратов каби деҳқонлар хонадонлари дада тўй-томоша, ҳовли тўйлари ўтказилди.

«Равшан» кичик қорхонаси ташкил топганига 10 йил тўлди. Тадбиркор аёл Олтин Наубетованинг тикувчилик ҳиҷида тайёрланган кийим-кечақлар ҳамма харидордир. Мирзагул Отажонов, Бибинон Минжасова, Тамара Наврўзбаева каби қўлигул чеварларнинг хизмати элга манзур. «Ташаббус» кўрик-танловда «Энг яхши ишбилармон аёл» номинацияси бўйича голибликни кўлга киритган Олтинья опа кичик қорхонасини кенгайтириб, 20 дан ортиқ маҳаллий қизларга тикувчилик касбини ўргатди.

Халқ таълимни бўлими тасарруфидидаги муассасаларда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1 та янги мактаб қуриш, 11 тасини реконструкциялаш, 9 тасини капитал, 11 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган. 16-урта мактаб жамоаси Осие Тараққиёт Банки кўрик-танловда голибликни эгаллади. Илм масканини таъмирлаш учун 5 минг 675 АҚШ доллари ажратилди.



«КВАРЦ» ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Қувасойдаги «Кварц» акционерлик жамайти нуфузли қорхоналар сирасига қиради. Уттиз йиллари, унинг махсулотлари халқ ҳўжалигининг турли жаҳаларига етказиб берилмоқда. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги шиша идишлар, ойналар, шунингдек, автомобил саноати учун тайёрланаётган махсулотлар сифати хорижликдан асло қолишмайди. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар маҳаллий хошмашлардан тайёрланаётганидир. Қорхона жамоаси махсулотни кўпайтириш, ўз устида ишлашга катта аҳамият беради. Изланувчанлик меҳнат аҳли учун одатий ҳол. Бу эса уларнинг ўтган йили Москвада бўлиб ўтган халқаро кўргазмадаги иштироки ва диплом билан тақдирланишида яққол намоён бўлди. Аини қунарда жамаит қошида «Алест Гласс» қорхонаси ҳам фаолият юритмоқда. У шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир қорхонада 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Суратда: техник назорат устаси Интизорхон Муротова. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Долзарб мавзу

сига бефарқлиги қимматга тушди. У «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонун нормаларини кўпол равишда бузиб, ружсат этилмаган сув ҳавзаларида овчилик билан шугулланиб, ҳайвонларни ижозатсиз овлагани учун 10 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Андижон шаҳар Саққокий кўчаси, 88- уйда яшовчи

етказгани вилоят кўмитаси назаридан четда қолмади. У 13 минг сўмлик жарима билан «сўйланди». Вилоят ҳокимлигининг «Андижонни гуллар масканига айлантирилик» широри остида баҳор ойларида бошланаётган кўрик-танлови она табиатга гам-ҳўрлик намунаси. Борғорларимиз, кўча ва хиёбанларимиз, маҳалларимиз гулзорларга айлантирилганлиги қувончлидир. Голибларни тақдирлаш учун энгил автомашина, катта миқдорда пул муқофотлари қўйилмоқда. Утган йили Булоқбўчи тумани орасталик, кўкаламзорлаштириш, тозалик бўйича вилоят совриндори бўлди. Хайрли тадбир натижасида ярим йил мобайнида вилоятимизда 2 миллион 415 минг 105 дона терак, 491 минг 699 дона мевали, 388 минг 824 дона манзарали кўчатлар, 1 миллион 325 минг 889 дона гул қаламчалари экилиб, одамларнинг эркин нафас олиши, соғломлашуви, хордиқ чиқаришига қўлай имкониётлар яратилди. С.ЎЗИМатов, «Ишонч» мухбири

Туманда «Бандлик» дастурини амалга ошириш соҳасида муайян ишлар олиб борилапти. Утган даврда 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, «Деҳқонобод», «Сармонбойкул», «Бирлашиқ» овул фуқаролар йиғинлари ва туман марказида худудий меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда 68 та қорхона, ташкилот ва муассаса иштирок этиб, 150 нафар фуқаро ишга қўйлаштирилди. Юзга яқин хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Йил охиригача, 400 та янги иш ўринлари шундан 124 таси хотин-қизлар учун очил режалаштирилган.

Фуқароларнинг ёрдамга муҳтоб қатлами давлат хўжасига олинган. Пенсия ва нафақалар эгаларига вақтида тарқатилмоқда. 63 нафар ёлғиз қариянинг турмуш тарзини яхшилаш, соғлигини тиклаш ва моддий ёрдам кўрсатиш доимо эътиборда. Елғизларга 8 хил озиқ-овқатлар, кир ювиш воситалари етказиб берилапти. Патронаж хизмати йўлга қўйилган. Қизил Ярим Ой жамайти туман бўлими ҳамширалари беморлар ҳол-аҳолидан хабар олиб туришбди. Яқинда 17 нафар отахон-онахонларга кички кийим-кечақлар тарқатилди.

Туман марказидаги 1-маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари кам таъминланган, ёрдамга муҳтоб, ногирон ва яққа-ёлғиз кишилар хонадонларида бўлиб, 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар. Ишсизликни

«СОҒЛОМЖОН-ПОВНОЖОН»

Сирдарё вилоятида белбоғ кураши ишқибозлари сафи кенгайиб бормоқда. Аини пайтда бу спорт турининг оммалашувига ҳисса қўшаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бобўт туманининг Т.Латипов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Сулҳайдар Эгамбердиев ана шуларнинг бири.

У тумандаги 36-мактаб қошида белбоғ кураши бўйича тўғрақ ташкил этган. Бу ерда юз нафардан зиёд бола спорт билан мунтазам шугулланади. Биринчи синф ўқувчиси Жамол Эгамбердиев эса тўғрақнинг энг ёш аъзоси бўлиб, у кураш тушушини тўрт йишда бошлаган. Жамол Эгамбердиев белбоғ кураши бўйича вилоятда ўтказилган «Соғломжон-повножон» мусобақасида барча тенгқур рақиблари олқасини ерга тегизиб голиб бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош махсулотлар билан тўлдириб бериш ва вазифалар сирасига кирди.

«Стандартлаштириш, метрология, махсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги қонун ҳамда «Қорхоналарда сифат тизимини халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва бошқа расмий ҳужжатлар бу борадаги амалий ишларда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Махсулот сифатлигини таъминлаш маъсулиятли вазифа. Махсулотларни сертифицилаш, аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш, сифат тизимини жорий этиш, озиқ-овқат, кишлоқ хўжалик, тўқимачилик, энгил саноат, пойафзал махсулотлари, паст қучланишда электр жиҳозларини синиш лабораториялари амалга ошираётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқарилган хар бир махсулот истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва

НОВОСИБИРСКДА САВДО УЙИ

Андижондаги «Андрополик» қорхонаси ўзининг Новосибирскдаги савдо уйи орқали тарқатилмаган экспорт махсулотлари қўламини кенгайтирмоқда. Жорий йилда мазкур қорхонанинг савдо майдонларида Сибирнинг қурилиш саноати қорхоналари билан олтинта йирик шартнома имзоланган эди. Россиянинг мазкур ўлкасида «Андрополик» қорхонаси махсулотлари юқори баҳоқолиб, уларга

бўлган талаб тобора ортмоқда. Мазкур махсулотлар нам ўтказмаслиги ва шовқин ютиш каби аъло даражадаги хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Ўз турида камбўл бўлган безатиш материалларида Козогистон ва Тожикистон қурилиш саноатида ҳам кенг фойдаланилади. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва махсулот сифатининг яхшиланишига асосан маҳаллий хошмашдан фойдаланиш эвазига эришилмоқда. Алқонин ишлаб чиқариш учун «Андрополик» қорхонасига хом ашё нефтин қайта ишлаш заводларидан етказиб берилади.

Ўзбекистон ва жаҳон

нов натижауларига кўра анчайн махсулотлар сифатлиги, истеъмол бозорига бемалол рақобатлашадиган бўлиши керак. Демак, у давлат стандарт талабларига, меъёрларига мос

режалари ишлаб чиқилган. «Ўзстандарт» агентлиги ва республика синов ва сертифицилаштириш маркази билан электрон алоқа йўлга қўйилган. Марказ маъмурияти ва қасаба уюшмаси ҳамкорлигида ишчи хизматчилигида ишчи хизматчилиги таъминлаш мақсадида ибратли ишлар олиб борилапти. Спорт масканлари билан шартнома тузилган. Марказнинг ўзида турли спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, меҳнат хавфсизлиги маъмурият ва қасаба уюшмаси диққат марказида.

С.АГЛАЕВА, «Ишонч» мухбири

Қонунийликни мустаҳкамлаш омиллари

харакатлантираётганда эҳтиёсизлик оқибатида Улуғбек Т.ни уриб юбориб, тан жароҳат етказди. Суд ушбу ишчи муҳама қилиш чоғида томонларнинг ярашганлигини, жабрланувчига етказилган зарар қопланганини, жабрланувчининг ҳеч қандай даввоси йўқлиги тўғрисидаги мурожаатини инобатга олиб шикоят ишчи харакатдан тўхташнинг лозим топди. Худди шу каби асосларга кўра Гулнора Ф. ва Мусаввар Ф. ўртасидаги келишимовчиликка барҳам берилди. Яъни, томонларнинг ярашуви ва қонунда бу борада белгиланган талаблар бажарилганлиги жиноят иши тугатилишига олиб келди.

Суд амалиётида ярашув институти мутлақо ангиликдир. Шунинг учун баъзи тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Кўпчилик кишилар ярашув жараёни натижаси, жиноят ишини тугатиш ҳуқуқини муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари, судларга боғлиқ деб ўйланади. Бир томондан шундай. Лекин, амалдаги янги қонунларга кўра бу борада фуқаролар ҳам фаоллик кўрсатишлари мумкин. Аслида ҳам ҳақиқий ярашув жабрланувчига ва айбдор ўртаси рўй бериши керак.

Т.АБДУХАМИДОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Жарқўрган туман марказидаги «Анхор» ошхонаси ҳодимлари ширин, мазали ва хилма-хил таомлар тайёрлашда намунча эди. Шунинг учун доимо хўрандалар билан гавжум бўларди. Бунда, шубҳасиз, 1984 йилдан бўён бош ошпаз бўлиб ишлаб келаётган Қилич Маҳмудовнинг хиссаси катта эди.

КЎЗ ИЛҒАМАС ТЎСИҚЛАР

тадбиркор фаолиятига пугур етказди

Кейинчалик мулкчилик шакли ўзгариб, Қ.Маҳмудов 1993 йилда ошхонани 226-рақамли давлат ордери билан хусусийлаштириб олди. Шундан сўнг мулк эгасининг ишлари янада юришиб кетди. Ошхона обод бўлиб, чирой оча бошлади. Лекин бу ўзгаришлар кимларгадир ёқмади. Қарангки, мулкдорнинг қўлида ошхонага эгаллик қилиш ордери бўлса ҳам 1995 йилнинг 30 июнида Сурхондарё вилояти Давлат мулкни бошқарши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси томонидан яна бошқа бироврга 501-рақамли давлат ордери берилди. Унда мулк эгаси 2 киши бўлиб, Қилич Маҳмудов ва Жума Чоршанбиевларнинг номи қайд этилган эди. Бейхитёр савол туғилади: Нега? Қ.Маҳмудов номига 1993 йил 2-мартда 226-сон мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат ордери суд томонидан бекор этилмасдан, Давлат мулкни бошқарши ва хусусийлаштириш худудий бошқармасининг 516-рақамли буйруғи билан йўққа чиқарилиб, янги давлат ордери берилишини қандай тушунмоқ керак?

Хуллас, шундан кейин ошхонада ишлар бошқача тус олади. «Анхор» фирмаси ташкил топиб, ошхона фирма балансига ўтказилди. Энди ошхонада икки хўжайин. Ўн беш кун бери ишлайди, яна ўн беш кун бошқаси. Албатта, бир қозонда икки қалла қайнамас, деганларидек ишдан барака кетади. Уларнинг келишмовчиликка бора-бора ўзаро судлашишгача бориб етади. 1998 йил вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан иккала ордер ҳам бекор қилинади. Ва яна хусусийлаштириш қайта ҳал қилинганча «Анхор» фирмаси балансида қолдирилиши кўрсатилди.

Хар ҳолда шу билан ишларим йўлга тушиб кетар, деб ўйлаган мулкдорнинг ҳавллари яна саробга айланади. Бир тарафдан шериги Жума Чоршанбиев билан ўзаро келишмовчиликлар, иккинчи тарафдан ошхонани қайта давлат рўйхатидан ўтказишдаги тўсқинликлар қийнаб ташлади. Охир-оқибат, югур-югурлар ва асаб бузилишлар мулк эгасини касалга қалантирди. Шу сабаб 2004 йил май ойидан бошлаб 11 гуруҳ ногиронлик нафақасига қичди.

Табиийки, ошхонадан файз кўтарилиб, ишлар тўхтаб қолди. Доноларнинг бекорга айтишмаган бир кун жанжал бўлган уйда, кирқ кун файз бўлмади, деб. Шу сабаб Қилич аканинг ҳам хавфсаласи пир бўлиб, эндиликда ошхонани сотиб, эвазига соғлигини тиклаш пайига тушади. Ҳадемай миҳоз ҳам топила қолди. Минг афсусли, нотарусга боришганда айрим ҳужжатлар тахт эмаслиги маълум бўлди. Қанақа ҳужжат дейсизми? Мулкка эгаллик қилиш гувоҳномаси. Гувоҳномани ким беради? Ҳокимият...

Неча ойдири, ушбу гувоҳнома учун мулкдор сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Жарқўрган туман ҳокимлиги мутасаддилари эса, ошхона катта йўл ёқасида жойлашганлиги учун бузилиши керак, деган тўхтама келиб, турли баҳоналарни рўқач қилишмоқда. Ажаб, ошхона маълум қонун-қоидаларга кўра бузилган тақдирда ҳам мулкдор мулкни нархлаш ва эгаллик ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлиши кераклигини наҳотки уларнинг вакиллари билишмасми?! Т.ЖАЛИЛОВ

Ишонпарварликнинг қўламини Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда, айниқса, суд тизимини ислохотларида бу яққол кўринади. Содир этилган жиноятлар учун қўлалиниладиган жазоларнинг либераллаштирилиши жуда катта ижобий воқеа бўлди. Шулардан бири суд амалиётида ярашув институтининг жорий қилинишидир. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида «...Ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди» деб таъкидлагани беҳиз эмас.

Суд амалиётида томонларни яраштириш тадбирининг қўлалини ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита ҳисобланади. Бу халқимизга хос бўлган кеңиримлилик фаилатларига ҳам жуда мос келади. Шунингдек, низолашган томонлар ўртасида адоват давом этишининг, жаримат криминаллашувининг олдини олади. Яраштириш имкониёти мавжуд бўлган ҳолда айбдорни жинийи жазога тортиш манъатидан номўқулдир. Чунки айбланувчи ушбу ҳолатни тасодифан,

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ УНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

ни қоплаганлиги, жабрланувчи билан ярашганлиги инобатга олинади. Агар жабрланувчи етказилган зарарни қоплатиш талабидан воз кечса, бу ҳам айбланувчини жазодан озод қилишга асос бўлади. Ижтимоий ҳаётга катта бўлмаган жиноятларни содир қилган шахслар билан шу йиллар юзасидан жабрланувчи ёшларнинг юзасидан жабрланувчи ёшларнинг қонуний вакили ўртасида ярашувга эришилганда, айбланувчини жиноят кодексининг 65-66-моддаларига асосан жавобгарликдан озод қилиш ёки шу кодекснинг 70-, 71-

Илгари процессуал жараёнларга жабрланувчининг аралашуви чеклаб қўйилганди. Айбдорнинг бундай ҳуқуқи тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисида берилган бундай ҳуқуқ судланганликнинг ижтимоий асоратларини қамайтиришга, ижтимоий тарангликнинг олдини олишга хизмат қилади. Яраштирув тадбири амалиётида қўлалиниши судлов жараёнларини ҳам оsonлаштиради. Фуқаро Достумроҳ Х. ўз автомашинасини орқига

моддаларига мувофиқ жазодан озод қилиш масаласи муҳама этилиши шарт. Бунда жиноят содир этган шахсининг ихтиёрлиги қонунга ва зарарни қоплатиш, айниқса, мумдир. Соддароқ қилиб айтганда, низолашган томонлар судга ярашув хусусида мурожаат қилишлари мумкин.

КУРАШ ВАТАНИДАГИ УНУТИЛМАС БЕЛЛАШУВЛАР

Ислом КАРИМОВ:

Майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз «Қувончим, ифтихорим, гурурим Ўзбекистон» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади

ҲАЛОЛ ЕНГДИ ЎЗБЕК ПОЛВОНИ

Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзбекистон» спорт мажмуида кураш бўйича V жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди

Икки кун мобайнида кураш зали мухлислар билан гажум бўлди. Мусобақаларда дунёнинг 50 мамлакатидан 180 дан зиёд полвонлар ўзаро куч синашдилар. Жаҳон, Олимпия ва КИТА чемпиналари голиб ва совриндорлари иштирок этган баҳслар ниҳоятда кизгин тус олди.

Эр тантана билан ўтган очилиш маросимидан сўнг дастлаб 63 килограмм вазндаги аёл полвонлар гиламга тушди. Якунда финалгача етиб келган бразилиялик Масия Мартинс ҳамда хамюртимиз Умида Сафарова ўртасида кечган финал баҳси мухлисларда катта таассурот уйғотди. Кизикарли кечган беллашувда Умида Сафарова рақибига имкониятни бой берди. 70 килограмм вазнда финалгача етиб борган Гулмира Исмаилова янги зефирлик Де Веллерс устидан галаба қозониб кўнгилларга таскин берди.

Эркаклар ўртасидаги 81, 90, 100, +100 килограмм вазнларда кечган баҳслар жуда мурасасиз кечди. Ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални бой берган

хозирлик кўрганликларини исботлашди. Финалдаги рақибим ҳам Эроннинг энг номдор полвонларидан бири бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Уни энгилш учун бор маҳоратимни ишга солдим, - дейди жаҳон чемпиони Р.Саидов. Ушбу галабани барча хамюртларимга бағишлайман. Ва ниҳоят, ўз мақсадимга етишганимдан жуда хурсандман.

Рамзиддин Саидов сингари Давлат Чориев (90 кг) ҳам ўз маҳоратини тўлиқ ишга солди. Мўғилистонлик Захбар Бадсаргал унга дош беролмади. Давлат Чориев жаҳон чемпионатининг голибига айланди. 100 килограмм полвонлар беллашувда хамюртимиз Икром Нуруллаевдан омад юз ўғирди. Ярим финалгача етиб келган полвонимиз бронза медали билан кифояланди. Ушбу ваз-

Саид Хесрави Наҳот ўртасида бўлиб ўтган финал баҳсида мухлислар гоҳ у, гоҳ бу полвонни олқишлаб турдилар. Якунда усул қўллаган Абдулла Тангриев галаба қозонди.

Хитой Тайпей вакили Чауг Кам Фенга қарши гиламга тушган Зулхижжа Худоярова зафар кучди. Аёллар ўртасида +87 килограммда финалгача чиққан Дилноза Камбарова туркиялик Кая Белкисга юташиб қўйди. Шундай қилиб, мусобақаларнинг биринчи кунда вакилларимиз 5 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалларни қўлга киритдилар.

Мусобақаларнинг сўнгги кунда аёллар 48, 52, 57 ва мутлақ вазн тоифаларида гиламга чиққан бўлса, эркаклар 60, 66, 73 ва мутлақ вазнларда гиламга тушди.

Эркаклар ўртасида 60 кг вазнда финалгача чиққан Фуркат Маматов рақибига мўғилистонлик Балботар Чиметни энгил, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Шундан сўнг, курашнинг энг кизгин палласи бошланди. Мутлақ вазнда гиламга тушган полвонлар беллашуви мухлисларни хаяжонга солиб турди. Биринчи кун мусобақаларида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Абдулла Тангриев дастлабки баҳсда Калон Муродовни мағлуб этди. Унинг навбатдаги рақиб туркистонлик муносиб қаршилик кўрсатган Уткир Курбонов бўлди. Тажриба ўз сўзини айтди. Бу курашда ҳам А.Тангриев зафар кучди.

Мусобақаларнинг финалида Абдулла Тангриев грециялик Олимпия уйинлари иштирокчиси Дионисис Илиадисга қарши гиламга тушди. Мурасасиз ўтган баҳсда Абдулла Тангриев ҳалол усулда галаба қозонди ва мутлақ вазнда ҳам жаҳон чемпиони бўлди.



Кипр вакили Пинилопи Ставриолар зафар кучиб, V жаҳон чемпионати голибига айландилар.

Шундан сўнг, курашнинг энг кизгин палласи бошланди. Мутлақ вазнда гиламга тушган полвонлар беллашуви мухлисларни хаяжонга солиб турди. Биринчи кун мусобақаларида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Абдулла Тангриев дастлабки баҳсда Калон Муродовни мағлуб этди. Унинг навбатдаги рақиб туркистонлик муносиб қаршилик кўрсатган Уткир Курбонов бўлди. Тажриба ўз сўзини айтди. Бу курашда ҳам А.Тангриев зафар кучди.

Мусобақаларнинг финалида Абдулла Тангриев грециялик Олимпия уйинлари иштирокчиси Дионисис Илиадисга қарши гиламга тушди. Мурасасиз ўтган баҳсда Абдулла Тангриев ҳалол усулда галаба қозонди ва мутлақ вазнда ҳам жаҳон чемпиони бўлди.

Халқимизнинг азалий кадриятларидан бири бўлмиш ўзбек кураши жаҳонга юз тугди. Киска вақт ичида беш бора жаҳон чемпионати, қатор йирик халқаро турнирлар зўр муваффақият билан ўтказилди. Жаҳоннинг бешта китъасида ўзбекининг «ҳалол, чала, ёнбош, гирром, дакки» каби қаломлари баралла янгради.


Ўз Ватанига қайтган курашнинг навбатдаги тантанаси зўр шоду хуррамлик билан ўтказилди. Дунёнинг маманан деган полвонлари гиламда ўзаро куч синашиш-

рами яқунланди. Чемпионатнинг ёпилиш маросимида Кураш Халқаро Ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси

ДЎСТЛИК ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

ди. Фолиб ва совриндорлар аниқланди. Чемпионатнинг ёпилиш маросимида Кураш Халқаро Ассоциациясининг президенти Комилжон Юсупов ўз сўзида «бу чемпионатда халқлар дўстлиги галаба қозонганини» айтганида, минг бора ҳақ эди. Чунки кураш туфайли кураш заминининг барча халқ вакиллари бир-бири билан дўстлашади, танишади ва тажриба алмашади. Демак, чемпионат жаҳонда дўстлик, тинчлик ва биродарлик рамзига айланди.

Кўнгилларга шодлик, ифтихор ва гурур туйғуларини жо этган кураш бай-



Сўз – чемпионат иштирокчиларига:

Абдулла ТАНГРИЕВ
V жаҳон чемпионати мутлақ голиби.
– Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Бу мукофотни нафақат ўзимнинг, балки бутун ўзбек халқиники деб ҳисоблайман. Бу галабада биринчи навбатда устозларим Олимжон Хайитов ҳамда Тўра акаларнинг катта улуши бор. Шунингдек, ўзим ишлайдиган ИИВ ёнғин хавфсизлиги Олий мактаби раҳбариятига ҳам яратиб берган шароит учун миннатдорчилик билдираман.

Гиламдаги курашларга келсак, рақибим грециялик Илиадислар сулоласининг вакили ҳамда унинг Олимпия уйинлари иштирокчиси эканлиги, маҳоратли курашчиларини исботлади. Галабага бўлган интилишимда хамюртларимнинг қўллаб-қувватлаши менга катта куч бағишлади.

Мераб ИЛИАДИС
Кураш Халқаро ассоциацияси Ижрокўм аъзоси.
– Бу чемпионатда шогирдларим ҳамда жиянларим бўлмиш Илиадислар сулоласининг уч нафар вакили гиламга тушди. Мутлақ вазнда ака-укаларнинг ўртанчаси Дианисис жуда чиройли курашди. У финалгача энг сара полвонлар курагини ерга текказди. Айниқса, ярим финалда унга мўғилистонлик кучли полвон рўбарў келди. Дианисис ишончини оқлади. Финалда унга тажрибали А.Тангриев билан курашиш оғир бўлди. Бироқ, биз бундан хафа эмасмиз. Келгусида галаба ёр бўлишига ишонаман.

Илиа Илиадисга келсак у жароҳати туфайли Тошкентга кела олмади. Агар ушбу чемпионатда Афина Олимпиадаси чемпиони ҳам қатнашганида кураш янада кизикарли бўларди.

Сенсой ЙИЛДИЗ (Туркия)
V Жаҳон чемпионатининг аёллар ўртасида 48 килограмм вазнда чемпиони.
– Жаҳон чемпиони бўлганимдан жуда хурсандман. Илк бора мамлакатингизга келишим. Менга Тошкент жуда ёқди. Айниқса, кураш мухлисларининг кўпчилиги ва уларнинг чиройли олишувга тан бериши мени лол этди.

Кураш билан яқиндан бошлаб шуғулланаман. Бироқ, дэю-до билан тўрт ёшимдан фаол машғул бўлганман. Кураш бўйича Измир, Анталия шаҳарларидаги турнирларда галаба қозonganман. Ўз вазним тоифасида Европа чемпиони унвонини ҳам қўлга киритганман. Ўзбекистондан ўз юртимга галаба билан қайтиш мен учун катта бахт.

Фурсатдан фойдаланиб, чемпионат ташкилотчиларига, мезбонларга ҳамда бизни қўллаб турган кураш мухлисларига ташаккур айтаман. Кураш – дўстлик, тинчлик ва ҳалоллик рамзи бўлиб қолаверсин.

Рустам ИСОКОВ,
Белбоғли кураш Федерацияси президенти.
– Кураш байрамига қўллаб ҳорижий мамлакат вакиллари, кураш ишқибозлари ташриф буюрди. Тинчлик, осудалик ҳукм сураётган юртга бундай байрамлар ярашади. Кураш жаҳонга чиқди, дунё курашни кўрди. Унда ўзбекона ҳалоллик, тантлилик, мардлик мужассам эканлиги яна бир қарра эътироф этилди. Бу – менинг чемпионат ҳақидаги ҳулосам.

Яна бир гап. Келаси ойнинг 16-17 кунлари Белбоғли кураш бўйича II жаҳон чемпионати беллашувлари айнан шу спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Демак, кураш байрами давом этади.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

1998 йил 6 сентябр ўзбек миллий курашининг дунёга юз тугган кунини саналади. Айнан шу кун Тошкентда Европа, Осиё ва Америка китъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида Кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил этилди.

КХА ўзбек курашини дунё бўйича ривожлантирувчи халқаро спорт ташкилоти саналади.

1991 йил 8-11 август кунлари Шахрисабзнинг «Мирроқ» кўрғонида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон курашчилари ўртасида мутлақ чемпионат ўтказилди.

Олимпиада уйинлари сари дадил интилаётган кураш миллионларнинг сеvimли спорт турига айланмоқда. Бугун дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида кураш федерациялари фаолият кўрсатаяпти.


1992 йил 9-11 август кунлари Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва Кураш Федерацияси ташаббуси билан билан буюк соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир ўтказилди. Унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган полвонлар иштирок этди. Бу турнирда Абдуқодир Пирматов мутлақ голиб бўлди. Навбатдаги икки турнирда эса қашқадарёлик полвон Баҳром Авазов чемпионликни қўлга киритди.

2000 йил ёшлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати Россиянинг Твер шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинги жаҳон чемпионати ҳам яна шу шаҳар мезбонлик қилди.

2003 йил 5-6 апрел кунлари Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди. Финалда туркиялик Салим Татар ўғли ва Абдулла Тангриев баҳс олиб борди. Унда сурхондарёлик полвон голиб чиқди.

2004 йил 30-31 октябр кунлари қадимий ва навқирон Шахрисабзда Президент соврини учун IV халқаро Амир Темур хотира турнири ўтказилди. Мутлақ вазнда сурхондарёлик Абдулла Тангриев финалда бразилиялик Карлос Хонаратони ҳалол усулда мағлуб этди.

Турнир доирасида белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ҳам ўтказилди. Финалда хамюртимиз Дилмурод Рўзиев афғонистонлик Юсуф Рашидийни мағлуб этиб, биринчи жаҳон чемпиони бўлди.



Голиб ва совриндорлар:

- Аёллар 48 кгда:**
1. Сенсой Йилдиз – Туркия
 2. Шахноза Мавлонова – Ўзбекистон
 3. Мария Мартинова – Арманистон
 3. Чон Ван – Гонконг
- 52 кгда:**
1. Пержи Илона – Венгрия
 2. Сожида Мадаминава – Ўзбекистон
- 57 кгда:**
1. Пинилопи Ставрио – Кипр
 2. Денис Элеанор – Ирландия
 3. Румия Шайхутдинова – Ўзбекистон
 3. Из Лин Нго – Сингапур
- 63 кгда:**
1. Масия Мартинс – Бразилия
 2. Умида Сафарова – Ўзбекистон
 3. Малей Жойс – Буюк Британия
 3. Б. Дави – Ҳиндистон
- 70 кгда:**
1. Гулмира Исмаилова – Ўзбекистон
 2. Де Виллерс – Янги Зеландия

- 78 кгда:**
1. Зулхижжа Худоярова – Ўзбекистон
 2. Чауг Каи Фенг – Хитой Тайпей
- +87 кгда:**
1. Кая Белкис – Туркия
 2. Дилноза Камбарова – Ўзбекистон
 3. Наталья Чепрасова – Россия
 3. Галина Ковал – Украина

- Мутлақ вазн тоифаси**
1. Кая Белкис – Туркия
 2. Мария Шекирова – Ўзбекистон
 3. Галина Ковал – Украина
 3. Соҳибжамол Холиқуллова – Ўзбекистон
- Эркаклар 60 кгда:**
1. Фуркат Маматов – Ўзбекистон
 2. Чеме Болбатар – Мўғилистон
 3. Тўра Курбонов – Туркменистон
 3. Воҳидий Абдулжаҳид – Афғонистон
- 66 кгда:**
1. Рустам Боқиев – Тожикистон
 2. Лаурентис Алексанидис – Греция
 3. Антон Попов – Молдова
 3. Мухсин Баҳшаший – Эрон
- 73 кгда:**
1. Расул Боқиев – Тожикистон
 2. Ким Ён Синг – Жанубий Корея
 3. Шерали Тураев – Ўзбекистон
 3. Фердин Худойбердиев – Туркменистон
- 81 кгда:**
1. Рамзиддин Саидов – Ўзбекистон

2. Али Мухаммадия – Эрон
 3. Давид Баласян – Россия
 3. Гианолд Ганзарий – Мўғилистон
- 90 кгда:**
1. Давлат Чориев – Ўзбекистон
 2. Золбаяр Бадсаргал – Мўғилистон
 3. Нугзар Месаблишевили – Украина
 3. Аюб Хасаний – Эрон
- 100 кгда:**
1. Фаллах Аббос – Эрон
 2. Элезах Черва – Замбия
 3. Ричардсон Даррен – Буюк Британия
 3. Икром Нуруллаев – Ўзбекистон
- +100 кгда:**
1. Абдулла Тангриев – Ўзбекистон
 2. Саид Хесрави Наҳот – Эрон
 3. Ким Сен Ким – Корея
 3. Юрий Снеровский – Белоруссия
- Мутлақ вазнда:**
1. Абдулла Тангриев – Ўзбекистон
 2. Дионисис Илиадис – Греция
 3. Василиос Илиадис – Греция
 3. Золбаяр Бадсаргал – Мўғилистон

Саҳифани «Ишонч» муҳбири А.ЮСУПОВ тайёрлади.

